



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 31 август, № 170 (6605) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, танқили жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларида самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари! 1 сентябрда нишонланадиган Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига қизгин табрикларимни йўллайман. Мамлакатингиз бу тарихий санани байрам қилаётган шу кунларда биз Ўзбекистон мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Америка Қўшма Штатлари 1991 йилнинг 25 декабрыда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан

олган пайтдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам шериклик муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимизнинг янада хавфсиз, фаровон ва демократик келажақ йўлидаги ҳамкорлиги узок йиллар давом этишига ишонаман. Америка Қўшма Штатлари халқи Сизни мустақил Ўзбекистон тарихидаги ушбу муҳим сана билан муборакбод этади. Эҳтиром билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин йўллаган мактубда шундай қайд этилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Хитой халқи ва шахсан ўзим номидан Сиз ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва қизгин тиллақларимни изҳор этаман. Мустақиллигининг 25 йили давомида жаноб Президент раҳнамолигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик ва жадал иқтисодий тараққиёт сақланиб, мамлакатнинг халқаро нуфузи салмоқли даражада юксалди, давлат қурилиши соҳасида ёрқин муваффақиятларга эришилмоқда. Амалий шунинг кўрсатмоқдаки, жаноб Президент томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» мамлакатдаги реал воқеликларга мос келади ва улкан ҳаётли кучга эгадир. Сўнгги йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатларида яхши

ривожланиш тенденциялари сақланиб турибди ва янги стратегик даражага эришилди. Хитой ва Ўзбекистон алоқалари ривожланиб бораётгани ва ўртамуҳим самимий дўстликни юксак қадрлайман. Хитой — Ўзбекистон муносабатларида юксак самараларга эришиш ва халқларимиз фаровонлиги йўлида кенг қўламли стратегик шерикликни изчил ривожлантириш учун Сиз билан доимо барча саъй-ҳаракатларни қилишга тайёрман. Мамлакатингизга равақ ва юксак салохият, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман. Президент Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва ишларингизда муваффақият тилаб қоламан.

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**
Польша Республикаси Президенти — **Анджей Дуда**
Бирлашган Араб Амириклари Президенти — **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
Абу-Даби Валиаҳди, Бирлашган Араб Амириклари Қуролли кучлари бош қўмондони ўринбосари — **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти — **Абдулазиз Бутефлика**

Туркменистон Президенти — **Гурбангули Бердимухамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Украина Президенти — **Пётр Порошенко**

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — **Ижрочи котиби — Сергей Лебедев**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби — **Талиб Рифаи**

Энергетика хартияси бош котиби — **Урбан Руснак**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэролин Лэм**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**

«МАКСАМ» компаниясининг президенти ва ижрочи директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

«Хуавей Текнолоджи Ко.Лтд» компанияси президенти — **Жэн Чжэнфэй**

«НЭК Корпорейшн» компанияси президенти — **Нобухиро Эндо**

Япония тиббий ускуналар соҳасида ташқи техник кўмак бўйича ташкилоти раиси (OMETA) — **Кеньичи Мацумото**

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, «Дойче Кабель АГ Ташкент» қўшма корхонаси инвестори — **Фальк Порше**

«Пиканол» компанияси бош ижрочи директори — **Люк Так**

«Туркистон — Америка ассоциацияси» раиси — **Абдулла Хўжа**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти — **Борис Кандов**

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг ректори — **Виктор Гришин**

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси — **Сиддхарт Саксена**

Конрад Аденауэр номидаги жағмаарнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатли вакили — **Томас Кунце**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари — **Юрий Штерк**

Қутловлар келиши давом этмоқда.



Дастурхонимиз файзу баракаси

Республикамизда энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами шуқуҳи ҳукмрон. Бунга ҳар қадамда гувоҳ бўлиш мумкин. Айни кунларда, айниқса, бозорларимиз сархил ноз-неъматлар сероблигидан янада файзли тус олган.

ЯРМАРКА

Маълумки, бозорлар юрт ободлиги ҳамда фаровонлиги тимсоли ҳисобланади. Шу маънода, мазкур масканлардаги кут-барака

дастурхонимиз файзли бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда бозорларимизни обод этиш, сотувчи ва харидор-

ларга қулайлик яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Жорий йилда пойтахтимизнинг бир қатор деҳқон бозорларида бунёдкорлик ишлари бажарилгани фикримизга мисолдир.

«Тошбозорсавдо» уюшмаси маълумотларига қараганда, байрам муносабати билан пойтахтимиздаги деҳқон бозорлари ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-

ярмаркаси ўтказилаётгани озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари асоссиз ошишининг олдини олиш, маҳсулотлар узлуксизлигини таъминлаш, пировардида аҳолига қўшимча қулайлик яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун савдо марказларида алоҳида расталар ўрнатилиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Солиқ сиёсати:

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили



Ўзбекистонда мустақиллик йилларида солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Бунда тараққиётнинг «ўзбек модели» дея дунё эътироф этаётган тадбирчи ишловлар муҳим омил бўлди. Натижада солиқ маъмурчилиги шаффофлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Зеро, аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳамда изчил ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда ёш давлатимиз ривожланиш йўлининг устувор йўналишлари билан боғлиқ бир қатор муҳим босқичларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки Истиқлолнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва инфляциянинг юқори суръатлари сақланиб турган бир шароитда Давлат бюджети га маблағлар тушишини таъминлаш солиқ тизимининг асосий вазифаси бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, солиқларнинг фискал функциясига устувор аҳамият қаратилди.

Бу ҳақда сўз юритилганда, 1991 йилда республика Давлат бюджети тасдиқланган вақтда бюджет тақчиллиги қарийб 7,5 фоизни ташкил этганини эслаш жоиз. Бу Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ҳамда унинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган солиқ механизмни яратиш заруриятини юзага келтирди.

Мамлакатимизда қисқа муддат

ичида солиқ солишининг яхлит ҳолдаги норматив-ҳуқуқий базаси яратилиб, 1991 йилда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнбий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» ҳамда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунилари қабул қилинди.

Шу билан бирга, 1991 — 1995 йиллар давомида солиқ иттифоқда ўзига хос аънава тусига кирган ҳамда корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда, хўжалик юритувчи органлар, кооператив ва жамоат ташкилотларидан даромад солиғи, шунингдек, давлат корхоналари олган фойдадан ундириладиган ҳамда мутлақо фискал тусга эга бўлган тўловлар йиғишдан воз кечиш йўли билан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш

ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашга эътибор қучайтирилди. Шулар қаторида аслида солиқ тусига эга бўлмаган, гўёки нархларни тартибга солувчи механизм сифатида қаралган ва ҳар бир товарга яқка тартибда белгиланган нарх қисми бўлган оборотга солинадиган солиқ бекор қилинди. Собиқ иттифоқ давридаги буйдоқлар, ёлғизлар ҳамда кам болали фуқароларга солинадиган солиқлар, шунингдек, экспорт ва импорт операцияларидан ундириладиган тўловларга ҳам барҳам берилди. Аксинча, мазкур тўловларнинг ўрнига бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, масалан, субъектларнинг амалда олган даромади ҳисобланган корхоналарнинг даромадларига солинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи сингари янги турдаги солиқлар амалиётга жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

СУРУ

Юртимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, юз ёшдан ошган бир гуруҳ юртдошларимиз «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Улар орасида Чимбой туманидаги Қизилўзақ овулида яшаётган 102 ёшли Олмадон Есемуратова ҳам бор.

Дориламон кунлар шуқуҳи

Онахоннинг давлатимиз юксак мукофоти билан тақдирлангани бир зумда бутун овулга, туманга ёйилди. Узоқ-яқиндан қариндош-уруғлари, маҳалладошлари уни қутлашга шошилдилар. Бугун 13 невара, 29 чевара ва бир эвара си ардоғида мазмунли ҳаёт кечирмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов бир гуруҳ давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан Олмадон момо хонадонига ташриф буюриб, табарруқ ёшли онахонга Президентимиз номидан юксак мукофот — «Шуҳрат» медалини топширди.

— Шундай тинч-осойишта, фаровон ҳаётга етказганига шуқур, — дейди момо. — Буларнинг барчаси Истиқлол бераётган имкониятлар самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Паралимпиячиларимиз Бразилияга жўнаб кетди



Жорий йилнинг 7 — 18 сентябрь кунлари Рио-де-Жанейро шаҳрида XV Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун Ўзбекистон спорт делегацияси кеча Бразилияга жўнаб кетди.

Шу муносабат билан «Тошкент» халқаро аэропортида ўтказилган кузатув маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт жамоатчилиги ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди. Таъкидланганидек, мам-

лакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш борасида

кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Бунинг натижасида шаҳар ва қишлоқларимизда замон талабларига жавоб берадиган спорт объектлари сони йилдан-йилга кўпайиб, уларда маҳоратини ошираётган йигит-қизларимиз халқаро миқёсдаги беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаяпти. Яқинда ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 4 олтин, 2 кумуш

ҳамда 7 бронза медални қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётган муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳам барча шарт-шароит яратиб бериляпти.

(Давоми 3-бетда).

Дориламон кунлар шукуҳи

◀ (Давами. Бошланиши 1-бетда).

Дориламон кунларимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абдий, осмонимиз мусаффо, биз, кексаларни қадрлаб, иззат-ахтиром кўрсатаётганлар доимо соғ-саломат бўлсин.

Мақсад Рустомова — Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида яшовчи табаррук ёшли онахон. Унинг номини, айниқса, Қирқсайдов кишлоғида ҳамма алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Худудда ўтказиладиган турли тўю тантаналар, қувончли воқеаларда кайвони онахоннинг маслаҳатларига таянилади. Оилавий тотувлик, бахтли-саодатли умр кечиришга доир сабоқлари ҳам — кўпчиликка ибрат.



◀ (Давами. Бошланиши 1-бетда).

— Мажмуамизда жорий йилнинг 10 августидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзбекзоиқов-қатхондин” холдинг компанияси, “Ўздомнаҳсулот” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда байрам

Истиклолимизнинг кўтулғу 25 йиллиги Мақсад Рустомова, унинг яқинлари, ҳамқишлоқлари учун қўшалоқ шодиёнага айланди. Негаки, байрам арафасида 102 ёшли онахон давлатимиз раҳбари Фармони асосида “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Шу кунларда Мақсад момо истикомат қиладиган хонадондан меҳмонлар қадами узилмапти. Маҳалла аҳли, қариндош-уруғлар онахонни Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги ҳамда “Шухрат” медали билан кутлашмоқда.

Куни кеча Президентимиз номидан ушбу муқофот Мақсад Рустомовга тантанали равишда топширилди.

— Шукроналикда ҳикмат кўп, —

Дастурхонимиз файзу баракаси

савдо-ярмаркаси очилди, — дейди “Фарход” деҳқон бозори” акциядорлик жамияти директори Абдулоқабир Хамроев. — Ҳозирги кунда бу ерда мазкур компаниялар тизимидаги 12 та корхонанинг озиқ-овқат, шунингдек, Чиноз ҳамда Бўстонлик туманларида фермерлар етиштирган ноз-неъматлар пойтахт аҳлига тақлиф этилапти. Энг муҳими, маҳсулотлар нархи бозорлардагига нисбатан 15 — 20 фоиз арзон. — Хар байрамда бундай тадбирларнинг юштири-

лиши биз учун ўзига хос туҳфа бўлмоқда, — дейди харидор Раъно Мирзаева. — Тақдир этилаётган маҳсулотлар сархил ва сифатли. Бундан беҳад мамнунмиз, албатта.

Умуман, “Фарход” деҳқон бозори” акциядорлик жамиятида 2536 та раста мавжуд бўлса, шундан 60 метрдан зиёд майдон савдо-ярмаркалари учун ажратилган.

Байрам савдо-ярмаркаси, шунингдек, “Қорақамш” деҳқон бозорининг “Тансиқбоев” филиалида

ҳам яхши ташкил этилган. Бу масканда Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятларидан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда.

Буларнинг барчаси аҳолининг Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишини таъминлашга қаратилган эзгу сайёҳаракатлар ифодасидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

қаторда, солиқ органларига юклатилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш, шунингдек, мазкур молиявий ҳақда солиқ ҳисоботларини тақдим қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг электрон тарзда амалга оширилишини кенг татбиқ этиш вазифаси қўйилмоқда. Унинг ишчи восити тўғрисида 2013 йилдан бошлаб олти солиқ ҳисоботи шакллари бекор қилиниб, молиявий ҳисобот сони ҳамда шаклларининг ҳажми 1,5 баробар ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлиги 2 баробар қисқартирилди. Бугунги кунда барча тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларини фақат телекоммуника-

◀ (Давами. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари берилиб, солиқдан тўлиқ ёки қисман озод бўлишга асосланган янги механизмлар қўлланила бошланди.

Ҳозирги кунда 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкил этилиши миллий солиқ тизимини шакллантиришда том маънода янги даври бошлаб берди.

1995 — 2005 йиллари солиқ тизimini оқиллона юритиш босқичига тўғри келиб, мазкур жараёнда республиканинг солиқ қўнчилигига асос солинди ва унинг ҳуқуқий базаси мустахкамланди. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятига қўнчилик маком бериш, унинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ шакллантириш мақсадида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат солиқ органлари зиммасига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушушини таъминлашдек энг муҳим давлат вазифаси юкланди. Шунингдек, 1997 йилда тизимда ягона ҳуқуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди.

Шуни айтиш керакики, Истиқлол йилларида мустақил мамлакатимизнинг солиқ сиёсатини белгилаб берувчи 39 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 44 та фармони ва 96 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 293 та қарори қабул қилинди. Уларнинг орасида бевосита давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тақомиллаштириш юзасидан қабул қилинган 32 та қонун ҳужжати ҳам мавжуд. Бу, таъкидланганидек, тизимнинг пухта ва ишончли қўнчилиги базасини шакллантириш имкониятини яратди. Шундай қилиб, чорак аср давомида Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотларни самарали амалга оширишга қўмаклашувчи тўлақонли солиқ тизимини яратишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида дунёдаги бошқа давлатлар билан солиқ солиш соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустахкамлаш сиёсатини изчил олиб бормоқда. 1993 йилдан буюн Давлат солиқ қўмитаси томонидан Россия, Германия, Италия, Швейцария, Нидерландия, Хитой, Корея Республикаси, Словения, Ирландия, Испания ва бошқа катор давлатлар билан иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаклик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тўришининг олдини олиш тўғрисида 52 та битим имзолангани ана шу саяёҳаракатлар самарасидир.

2005 йилдан бошлаб юртимизда жамиятни демократлаштириш ҳамда янгиллаш борасида туб ўзгаришлар даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан устувор йўналишлар қаторида иқтисодий ислохот қилиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, иқтисодийни модернизациялаш, солиқ сиёсатини тақомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сингари муҳим масалалар белгилаб олинди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, солиқ тизимини тақомиллаштириш, солиқ тўловларини унсификация қилиш, солиқ ставкаларини пайқатириш ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишларида кенг

қўллаш ишлар рўёбга чиқарилди. Янги тахрирдаги тўғридан-тўғри таъсир кучига эга бўлган, солиқ солиш масалалари бўйича амалиётда сингалган халқаро тамойил ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. У 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Солиқ юқининг иқтисодийга нисбатан босқичма-босқич қамайитириб борилиши соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш иқтисодийнинг барқарор сурьатларда ривожланишига хизмат қилди. Келинг, шу ўринда фикримизни қуйидаги рақамлар билан давом эттирсак. Агар

Солиқ сиёсати:

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили

1994 йилда корхоналарнинг фойда солиги ставкаси 45 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 7,5 фоизгача, яъни 6 баробар пасайди. Қўшилган қиймат солиги бугунги кунга келиб, 30 фоиздан 20 фоизга ёки 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 15,2 фоиздан 5 фоизгача, яъни 3 баробардан кўпроқ пасайди. Солиқ имтиёзларининг берилиши натижасида 50 миңдан ортиқ корхоналар ихтиёрида йилга ўртача 9 триллион сўм пул маблағлари қолмоқда.

Жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солиғи ставкаси ҳам босқичма-босқич пасайтирилди. Илгари мазкур солиқ олинган даромадга нисбатан етти поғонали шкала бўйича энг юқори ставка 60 фоизга ҳисобланган ва ундирлиган бўлса, бугунги кунда солиқ тўрт поғонали шкала асосида ундирлиб, энг юқори ставка 23 фоизни ташкил этаётди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2015 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги даромадларга нисбатан булғойли ставка жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг кам даромад олувчи қатлами ихтиёрида кўпроқ маблағ қўлишини таъминлаб келмоқда.

Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги солиқ харажатлари ҳам пасайтирилди. Мисол учун, 1994 йилда иш бевувчиларнинг мажбурий ижтимоий сугурта тизимида (Пенсия жамгармиси, Бандликка қўмаклашмиш жамгармиси ва Касаба уюшмалари кенгашига) мажбурий ажратмалар меҳнатга ҳақ тўлаш фондиан 40 фоизлик ставкада ҳисобланган бўлса, кейин у 25 фоизгача пасайтирилди, 2015 йилдан бошлаб микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун 15 фоизгача, яъни 2,6 баробар қамайитирилди. Натижада умумий солиқ юки ЯИМга нисбатан 20 фоизгача тўшиб, Ўзбекистон энг кулай солиқ муҳити шаклланди давлатлар қаторидан жой эгаллади. Ваҳолонки, бугунги кунда солиқ юки даражаси чет мамлакатлар, масалан, Австралида 43,4 фоиз, Туркияда — 32,5, Эстонияда — 32,3 ва Қозғистонда 26,8 фоизни ташкил этади.

Сунги йилларда республика раҳбарияти томонидан солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг пасайтирилиши билан бир

қилари учун имтиёз жорий этилди. Унга кўра, касб-хўнар коллежлари битирувчилари бизнес билан шуғуланишлари учун тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардан қатъий белгиланган солиқни олти ой давомида тўлашдан озод қилинди.

Қолаверса, аҳоли (айниқса, ёшлар) бандлиги масалаларини ҳал этиш мақсадида 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, хар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамгармисига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда сугурта бадали ва яқка тартибдаги иш бевувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорда қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Бунда яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга ёллаган бўлса, ўқиниши битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилди.

Барча қўрилган чора-тадбирлар республикамизда кулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилди. Жаҳон банкининг ҳисоботида келтирилишича, Ўзбекистон охириги йилда тадбиркорлик фаолияти учун кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш соҳасида жаҳонда юқори натижаларга эришган давлатларнинг ўнталлигига кирди.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш — 2016” бошқарини сифати ва самарадорлигини баҳолаш рейтинг кўрсаткичларига кўра, Ўзбекистон 2015 йилга нисбатан 16 та поғонага, яъни 103-ўриндан 87-ўринга кўтарилди. Ушбу рейтингда мамлакатимизнинг сезиларли даражада ўсиши “солиқ солиш” баҳолаш кўрсаткичи ҳисобидан таъминланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 61-поғонага, 2016 йилда эса яна икки поғонага кўтарилди.

Шу ўринда Президентимизнинг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг иш фаолиятини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан

МУНОСАБАТ

Мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган 25 йили давомида барча соҳада олиб борилган кенг қамровли ислохотлар бугун юксак натижалар бермоқда. Шаҳаран қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, энг муҳими, одамларда эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамланаётгани фикримиз далилидир.

Тараққиёт кўзгуси



Ўз навбатида, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш, хусусан, ягона ҳамда яхлит темир йўл тизимини барпо этиш ва шу орқали дунё бозорига янги йўллар очиб, юртимизни бошқа минтақалар билан боғлаш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ҳамда босқичма-босқич чора-тадбирлар халқимизга янада кулайлик яратишга хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамиятга молик.

Шубҳасиз, бунда узоқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар ва лойиҳалар асосида рўёбга чиқарилаётган улкан бунёдкорлик ишлари муҳим омили бўлмоқда. Зеро, бунинг самарасида ўтган йилгача беш йилда янги темир йўл линиялари бар-

по этилиб, асосий транзит участкалар реконструкция қилинди ва электрлаштирилди. Янги йўналишлар очилиб, янги йўллар, вокзаллар қурилди, мавжуд темир йўл вокзаллари ташкирланди.

Этироф этиш жоизки, бундан беш йил аввал, Истиклолимизнинг 20 йиллиги арафасида “Тошкент — Самарқанд” йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” поезде қатнови йўлга қўйилган эди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди. 2015 йилда “Мароқанд — Қарши” темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари яқинига етказилди ҳамда мазкур поезд Қарши шаҳрига қатнай бошлади.

оширилиб, қисқа муддатда “Самарқанд — Бухоро” йўналишидаги мавжуд темир йўл линиялари реконструкция қилинди, янги пўлат излар ётқизи-либ, электрлаштирилди.

Аваллари йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги масофани поездда 7-8 соатда босиб ўтган бўлса, эндиликда атиги уч соату 20 дақиқада ўз манзилларига етиб оладилар. Таъбир жоиз бўлса, мазкур поезд бугунги тараққиётимиз кўзгусидир. Бу каби эзгу ишлар мосиолида “Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?” деган саволга жавоб толган халқимиз қалбида амағзаллик, фахр-ифтихор туйғулари кечаётганига гувоҳ бўлди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда янги темер темир йўл тармоғининг очилиши Ўзбек мутахассислари, инженер ва техник ходимларининг бугунги салоҳияти нақадар юксак эканининг ҳам яна бир исботи бўлди. Ушбу тезорар поезднинг йўлга қўйилиши халқимизнинг эзгу мақсадлар йўлида амалга ошираётган ишларини янада кенгайтиришга, тараққиётнинг янгидан-янги довларини биргаликда эгаллашимизга хизмат қилади. Бу эса ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг амалий ифодасидир.

Баҳром НИЁЗМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси.

2010 йилда бозорлар ҳамда савдо мажмуаларининг умумий даромадидан маҳаллий бюджетга 77,7 миллиард сўм маблағ ундирилди. Бу 2009 йилдаги маҳаллий бюджет тўшумларига нисбатан 3 марта кўпроқ. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 184 миллиард сўмин ташкил этиб, 2009 йилнинг мос давридагига қўйсанганда қарийб 6,9 баробар ортиқдир.

Мамлакат раҳбарияти этибори ва қўллаб-қувватлаши натижасида бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари ўз соҳасида кенг миқёсдаги вазифаларни ҳал қилувчи, технологик жиҳатдан юқори ҳиқозланган ҳамда модернизациялашган тизимга айлан-

қуқбузарликлар қисқаришига эришилди. Масалан, “Юридик ва жисмоний шахслар солиқ қарздорлиги ҳисоби” автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий қилиниши тўғрисида инқасо топширикномалари жўнатиш вақтини 3 кундан 10 дақиқадика, қоғоз сарфи 41,2 тоннага қамайишига олиб келди.

2011 йилдан эътиборан Инвестиция дастури доирасида қўмитанинг ягона маълумотларини қайта ишлаш ва жамлаш маркази шакллана бошлади. Бунда Франция, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур ҳамда бошқа хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган ҳолда амалиётга жорий этилди. Маълумотларни қайта ишлаш ва жамлаш марказининг ишга туширилиши билан корпоратив тармоқни модернизация қилиш ҳам талаб этилди. Оптик талаби алоқа каналидан фойдаланила бошланган эса, худудий солиқ органларидан маълумотларни узатиш тезлиги 600 баробар ошди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур тизимни тақомиллаштиришда янги босқини бошлаб берди. Ҳозирги вақтда Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан электрон ҳужжат айланиши йўлга қўйилган. Жорий йилда “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ишга туширилган қўмитанинг янгиланган “Электрон солиқ хизматлари — my.soliq.uz” портали солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига солиқ тўлашда кулай шароит яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда қўмита томонидан кўрсатилаётган электрон давлат хизматларидан 280 миңдан кўпроқ жисмоний шахс ва 275 миңдан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар фойдаланмоқда.

Солиқ тўловчи юридик шахслар онлайн режимида “Шахсий кабинет” орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари мумкин. Биргина ўтган йилнинг ўзида “Шахсий кабинет”дан 2,7 млн. мартадан кўп фойдаланилган. Жисмоний шахслар учун уйдан чиқмай туриб мол-мулк ва ер солиқларини “Mbank”, “U-Pay”, “Click” хизматлари орқали тўлаш имконияти ҳам мавжуд.

Бу йўналишда эришилган натижалар профессионал доираларда юқори баҳоланган. Яратилган Дастирий махсулотлар бўйича аънаванай “BestSoft Uzbekistan” миллий қурик-танловида 2010 — 2015 йиллар давомида Давлат солиқ қўмитасининг дастирий махсулотлари ва лойиҳалари голиб деб топилди, муносиб тақдирланди. 2012 ва 2015 йилларда эса республика миқёсида ўтказилган миллий IT домини интернет-фестивалида ва “MIZ.uz” миллий интернет танловида www.soliq.uz сайти “Давлат бошқаруви органи соҳасидаги энг яхши сайт” номинацияси бўйича этироф этилди. Бундан ташқари, қўмита ахборот-коммуникация технологияларининг давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларида жорий қилиш бўйича беш йилдан буюн биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Бутир ПАРПИБЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚҮРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Ўтганларни хотирлаш, эзгу ишларини давом эттириш аزالый қадриятларимиздан.

пайтлар қариндош-уруғлари, ватандошларининг айбис ҳолда ўлимга маҳкум этилгани, кимсасиз масканларга сургун қилинганни билмаган, истиқлол берган беқиёс имкониятлардан баҳраманд бўлиб камолга етаётган ёшлар музей экспозицияларига алоҳида эътибор қаратиш-

Фидойи инсонлар хотираси ҳамиша эъзозда

Ана шундай хайрли амаллардан бири, бу шубҳасиз, мустақабд тузум даврида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30, 50-йилларида ноҳақ айбаниб, қатағон этилганлар хотирасининг абадийлаштирилишидир.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг маънавий-маърифий маркази ҳисобланган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи 2002 йил 31 августда очилди.

моқда. Бу маскан уларнинг тарихий ҳақиқатини теран англаган ҳолда, мустақилликни қадрлашларига катта туртки берапти.

Зулм ва зўравонликка асосланган ўша даврда миллат қадр-қимматини теран англаган, маърифат ҳамда маънавият йўлида фидойилик кўрсатган танлики давлат ва жамоат арбоблари, маориф, фан ҳамда маданият намояндлари қаторида минг-минглаб оддий деҳқонлар, хунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчилар азиз жонларидан жудо бўлдилар. 1937 — 1953 йилларда содир этилган беодликни тасаввур қилиш учун эса Ўзбекистон буйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташлангани эслаш қийин. Инсоний шаъни топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истикомат қилаётган деярли барча миллат ҳамда элатларнинг вакиллари бор эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майдаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, музей биносини кенгайтириш бўйича кўшимча қурилиш ишлари амалга оширилди, унинг экспозицияси тубдан янгиланди. Эндиликда бу ерда юртимиз фуқаролари, шу жумладан, ёш авлоднинг тарихга бўлган муносабатини кучайтирган ҳолда, миллий ўзлигини англаш, ўз ўтмишидан фахрланиш туйғусини уйғотишга барча шарт-шароит яратилган.

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи юрт тинчлиги ҳамда озодлиги, миллиннинг шаън-шавкати, авлодларнинг порлоқ истиқбол учун ўзини фидо этган юртоқдошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтириш ниятидаги зиёратчилар билан доимо гавжум. Музейга йилда ўрта ҳисобда эллик мингга яқин киши ташриф буюраётгани фикримизнинг яққол далилидир. Бу ерга хоржий мамлакатлардан ҳам меҳмонларнинг келаётганлиги жохон ҳамжамиятининг мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий адолатни қарор топтириш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларга бўлган катта қизиқишлари ҳамда эришилган ютуқларнинг ўзига хос эътирофидан далолат, десак муболаға бўлмайдими.

Президентимизнинг 2001 йил 1 майдаги Фармониға мувофиқ, 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини, деб эълон қилинди. Юнусобод туманидаги

Бугун музейда ўтказилаётган турли учрашув ва суҳбатлар зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, умрида “қатағон” сўзини эшитмаган, бир

Ўтмиш ва тарихни билиш, англаш, аввало, ўзимизга, қолаверса, фарзандларимиз учун ўта муҳимдир. Қалбларда дориламон кунларга шукроналик ҳисси муҳассам экан, Ватан озодлиги учун қурашган ҳамюртларимиз ёди ҳамда жасорати ҳаммиша эъзоз топаверади.

Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори ўринбосари.

Паралимпиячиларимиз Бразилияга жўнаб кетди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳаётда фол бўлишига қўмақлашиш йўлида улкан гамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундай беқиёс меҳр туфайли паралимпиячиларимиз турли нуфузли мусобақаларда ўз маҳоратларини ёрқин намойиш этишаётди. Жумладан, 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параолимпияда вакилларимиз 1 олтин, 2 кумуш ҳамда 3 бронза, жами 6 медални қўлга киритди. 2012 йили Лондон шаҳри мезбонлик қилган XIV Паралимпия уйинларида ўн нафар атлетик спортнинг дзюдо, сузиш, пауэрлифтинг, енгил атлетика каби турлари бўйича юқори натижаларга эришди. Айниқса, дзюдочимиз Шариф Халиловнинг кумуш медалга сазовор бўлгани, сузиш мусобақаларида иштирок этган Кирилл Панков икки бор Осиё рекордини ўрнатгани таъсирчан лойиқ.

мизнинг ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиш, нуфузли мусобақаларда тажриба орттириш, Паралимпия уйинларига йўлланма берувчи беллашувларда муносиб қатнашишлари учун барча имконият яратилди.

нинг тўрт мингдан ортқ атлети 23 спорт тури бўйича медаллар учун кураш олиб боради. Ўзбекистонлик 32 нафар паралимпиячи спортнинг дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ҳамда пауэрлифтинг турлари бўйича маҳоратини намойиш этади.

Утган давр мобайнида ана шу ҳужжат ижроси туфайли спортчиларимиз бир қатор йирик мусобақаларда фахрланса арзигулик марраларни забт этди. Хусусан, Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган навбатдаги Параолимпия уйинларида ҳамюртларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд мамлакат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия уйинларига тайёрлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори вакилларимизнинг ушбу нуфузли мусобақада муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

— Паралимпия уйинларининг дзюдо баҳсларида барча вазн тоифасида 11 нафар спортчимиз

билан иштирок этамиз, — дейди Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси мураббийи Расул Саидов. — Тайёргарлик жараёни бир неча босқичда олиб борилади. Шогирдларимиздан умид катта. Насиб қилса, улар Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, энг улғу, энг азиз байрамимизга муносиб совғалар билан қайтишади.

Енгил атлетикачи Мавлон Ҳайдаров ядро улоқтириш мусобақасида ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Бу тажрибали спортчимиз Параолимпия уйинларида нафақат голибликка эришган, балки Осиё рекордини ҳам янгилаб, муҳлису мутахассислар эътиборини қозongan. Мавлоннинг эндиқи мақсади совринлари қаторига XV Паралимпия уйинлари медалини ҳам қўшиб қўйиш.

— Кўрсатилаётган гамхўрликлар туфайли ҳаётда, жамиятда ўз ўрнинини топиқ, — дейди у. — Спортда қувончли ютуқларни қўлга киритаямиз. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайлидир. Шунинг учун ҳам истиқлолни қадраймиз, ардоқлаймиз. Рио-де-Жанейрода Ўзбекистон спортчиларининг иқтидори, салоҳияти нақадар юқсак эканини яна бир қарра намойиш этиш истагидамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Каримов сўзга чиқди.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.



Янги корхона ИМКОНИАТИ

Мўйноқ туманида балиқчиликка ихтисослаштирилган «Мўйноқ аква санот» давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, банкнинг қарийб 500 миллион сўмлик кредити асосида замонавий техника ва зарур ускуналар билан жиҳозланди.

ИЗЛАНИШ

— Туман ҳудудида жойлашган, салкам 40 минг гектар майдонни эгаллаган Жалтирбас, Судочье ҳамда Рибачье табиий қўллари фойдаланиш учун тасарруфимизга берилди, — дейди мажкур корхона раҳбари Руслан Мамбетқадиров. — Қисқа фурсатда ушбу сув ҳавзаларидан 37,5 тонна балиқ аҳоли дастурхонига тортиқ этилди.

Эътиборлиси, корхона иш бошлаши билан 92 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚҲИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҲЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲЙХАТИДАН ҲТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТҲҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 20 АВГУСТДАН 26 АВГУСТГАЧА БҲЛГАН МАЪЛУМОТНИ ҲАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан Ҳтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг, Молия вазирлигининг 2016 йил 25 июлдаги 8-мх, 55-сон «Мақтабача таълим маассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотиға ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 23 августда рўйхатдан Ҳтказилди, рўйхат рақами 2821 (2016 йил 29 августда қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий вазирлигининг 2016 йил 9 августдаги 61, 2016-24, 121-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хоржий инвестицияларни жалб қилувчи қорхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 26 августда рўйхатдан Ҳтказилди, рўйхат рақами 2822 (2016 йил 29 августда қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 18 августдаги 126-В-5, 01-02/19-57-сон «Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаға Ҳзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 26 августда рўйхатдан Ҳтказилди, рўйхат рақами 716-5 (2016 йил 29 августда қучга кирди).

2016 йил 23 августдаги 212-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг «Мақтабача тарбия болалар таъминотиға ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1768, 2008 йил 13 февраль).

Адлия вазирлигининг

2016 йил 23 августдаги 212-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий вазирлигининг «Тўғридан-тўғри хусусий хоржий инвестицияларни жалб қилувчи қорхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2312, 2012 йил 1 январь), шунингдек унга Ҳзгартиришлар (рўйхат рақами 2312-1, 2012 йил 4 декабрь).

Адлия вазирлигининг 2016 йил 26 августдаги 213-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди. Мажкур ҳужжатлар қонунчиликка Ҳзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси

Республика иқтисодий тармоқлари ҳамда ҳудудларининг инновацион ишланмалар ва самарали технологияларға бўлган эҳтиёжини қондириш, янги номдаги илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишға йўналтирилган, бажарилиши 2017/2018 йилларға мўлжалланган инновацион илмий-техника лойиҳалари танловини эълон қилади.

Танловға тегишли барча маълумот, лойиҳаларни расмийлаштиришнинг тартиби ҳамда асосий қоидалари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (ФТРПМК), Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиқларида, шунингдек, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг www.uzscience.uz сайтида танишиш мумкин.

Лойиҳаларни электрон рўйхатға олиш www.fan-portal.uz портали орқали амалға оширилади (рўйхатға олиш қоидалари ҳам ушбу порталда жойлаштирилган).

Танловға лойиҳалар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошла 2016 йил 15 сентябргача шанба ҳамда яқшанба кунларидан ташқари, ҳар кун соат 14.00 дан 18.00 гача Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиқлари, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасида қабул қилинади.

Телефонлар: * Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси: (+99871) 233-69-61, 233-99-53; * Фанлар академияси: (+99871) 233-29-81, 233-59-86; * Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: (+99871) 246-01-54, 246-01-87; * Соғлиқни сақлаш вазирлиги: (+99871) 242-12-08, 241-17-73; * Халқ таълими вазирлиги: (+99871) 239-40-84, 239-19-68; * Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги: (+99871) 260-51-85, 260-52-05.

Батафсил маълумотни (+99871) 233-73-29 телефон рақами орқали олиш мумкин.

«AUTO GARANT BUSINESS» МҲЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида Ҳтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 20 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб Ҳтадиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Фаргона вилояти, Еёвон тумани, Янгиобод қишлоғи, 2-постда жойлашган автонақлиёт колоннаси ҳудудида сақланаётган, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 4 декабрдаги 10-1403/17677-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 14-40 НТ бўлган, «SHANTUI 16» русумли бульдозер (занжирли) такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 220 000 000 сўм. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб Ҳтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита

жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишиға бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto garant business» МҲЖнинг AT «Asia alliance bank» Мирзо Улўғбек тумани филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МҲО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қўиматини 5 банк кунини мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

Advertisement for Respublika mulk markazi AJ. Auction of real estate and vehicles. Contact: 35 999 921.

Advertisement for OBIDA RIEL PROFESSIONAL MCH. Real estate auction services. Contact: 0-595 400-46-37.

Advertisement for Xalq S'uzi. Auction of real estate. Contact: 232-11-15, 236-09-25.

Advertisement for Uzbekistan Science and Technology Development Committee. Call for applications for innovation projects. Contact: 233-73-29.

Advertisement for Auto Garant Business MCH. Auction of a Shantui 16 bulldozer. Contact: 233-61-44.

ИПОТЕКА BANK

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси

ватандошларимизни
Энг улуғ ва энг азиз
байрам — Истиқлолимизнинг
25 йиллиги
билан самимий
қутлайди!



Хизматлар лицензияланган.

1319A/541

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Мустақиллигимизнинг
25 йиллиги
муборак бўлсин!

Сизга ва оила аъзоларингизга
сўхат-саломатлик,
узок, қир, бахт-саодат,
тинчлик ҳамда хотиржамлик тилаймиз.
Юртимиз фаровонлиги йўлидаги шарафли
ва масъулиятли ишларингиз
муваффақиятлар оlib келсин!

АТ «Капиталбанк»
жамоаси.

Хизматлар лицензияланган.

1307A/549

25
Йил



ИПАК YO'LI BANKI

MUSTAQILLIK
BAYRAMINGIZ BILAN!

«Ipak yo'li» aksiyadorlik
innovatsiya tijorat banki jamoasi
yurtdoshlarimizni O'zbekiston
Mustaqilligining 25 yilligi bilan tabriklaydi!

Хизматлар litsenziyalangan.

1307A/588

«Best realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Игилик газ» Қорақалпоғистон — Россия ҚҚга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 77-уй, 10-хонадонда жойлашган, умумий майдони 81,91 кв. м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 309 578 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 77-уй, 46-хонадонда жойлашган, умумий майдони 150,44 кв. м. бўлган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 539 591 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 5 октябрь куни соат 18.00.

II. Аукцион савдосига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836 кв. м. бўлган, уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми, реестр рақами 7-279/2004, конструкция тури гишт, каркасли маиший хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 594 014 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 7 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банкининг «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800000433601001, МФО: 01036. СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осийё кўчаси, 1-уй.

Телефон: (+99895) 193-01-11.

www.emulk.uz bestrealtor@inbox.uz

1307A/579

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқлолар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Набатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.32 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси